

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**315 Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз республика спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида**

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб жорий этилган уч босқичли ягона спорт ўйинлари тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақалари ёш авлодни соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида тарбиялаш, уларнинг спортга қизиқишини, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини ошириш борасида беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Ўтган давр мобайнида бу мусобақалар ёшларимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланди ҳамда улар учун тажриба ва маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу спорт ўйинларининг аниқ дастур асосида юртимизнинг барча ҳудудларида мунтазам ўтказиб келинаётганлиги, жойларда замон талабларига жавоб берадиган, янгича қиёфадаги мухташам спорт масканлари, стадионлар, сузиш ҳавзаларининг барпо этилиши қишлоқ ва шаҳарларнинг янада обод бўлишида алоҳида аҳамият касб этаётганлигини қайд этиш лозим.

Ёшларда спортга бўлган ҳавас ва интилишни, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кучайтириш, ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб этиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада» республика спорт мусобақаларининг финал босқичини даврий равишда ўтказиш тизими шакллланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан шакллантирилган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» «Универсиада» республика спорт мусобақаларининг финал босқичларини ўтказиш режаси 1-иловага*, ушбу мусобақаларни ўтказиш бўйича ташкилий қўмиталар таркиблари 2 — 4-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмиталарга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур спорт мусобақаларини ўтказиш юзасидан алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси юклансин.

* 1 — 4-иловалар берилмайди.

Ушбу дастурларда куйидагилар назарда тутилсин:

спорт мусобақалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига спорт ва жисмоний тарбия тадбирларига ажратиладиган маблағлар доирасида, шунингдек, ҳомийларнинг маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағларни жалб этган ҳолда ўтказилиши;

спорт мусобақаларининг республика финал босқичлари бўлиб ўтадиган ҳудудлар ва у ерда жойлашган инфратузилма объектларини талаб даражасида тайёрлаш ва замонавий асосда жиҳозлаш;

спорт мусобақалари давомида ҳар қайси иштирокчининг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини камол топтириш, буюк аждодларимизнинг мардлик ва жасурлик анъаналарини муносиб давом эттиришга қодир инсонлар бўлиб етишишига хизмат қиладиган маданий-маърифий тадбирлар дастурини амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматига спорт мусобақалари, маданий-маърифий тадбирлар ўтадиган ҳамда қатнашчилар яшайдиган жойларда жамоат ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги спорт мусобақалари иштирокчиларини тиббий кўриқдан ўтказиш ва мусобақалар даврида тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этсин, спортчиларнинг дам олиш, овқатланиш жойларида санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя қилинишини таъминласин.

6. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси Ташкилий қўмиталар буюртмасига биноан спорт мусобақалари иштирокчилари ва ижодий гуруҳ аъзоларини имтиёзли тарифлар асосида чипталар билан таъминласин.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 29 июнь,
181-сон